



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 3 апрель, № 64 (9235)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ МАВЖУД ИМКОНИАТЛАРИНИ ТЎЛИҚ ИШГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 апрель куни Бухоро вилоятида амалга ошириладиган ислохотлар натижадорлиги, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бухоро вилояти sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва туризм соҳаларида ҳеч бир ҳудуддан кам бўлмаган улкан имкониятларга эга. Вилоятда 2 та йirik нефть-газ кимё корхонаси фаолият юритмоқда, яна биттаси барпо этилмоқда. Шунингдек, қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган, умумий қуввати 4,5 гигаваттга тенг 10 та йirik қуёш ва шамол электр станцияси қурилиши жадал кетмоқда.

2025 йилда ҳудудий ялпи маҳсулот ҳажми 7,2 фоизга ошиб, 86,6 триллион сўмга етди, sanoatда 7,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,3 фоиз, хизматлар соҳасида 14 фоиз ўсиш қайд этилган. Ишсизлик 2024 йилдагига нисбатан 4,7 фоизгача, камбағаллик даражаси 6,0 фоизгача пасайган.

Йиғилишда Бухоро вилоятини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари кўриб чиқилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 102,1 триллион сўмга етказиб, 9,1 фоиз ўсишга эришиш, sanoat ҳажмини 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалигини 5,9 фоизга, хизматлар ҳажмини эса 20,1 фоизга ўстириш вазифалари белгиланди. Ишсизлик ва камбағаллик даражасини 2 фоизгача қисқартириш, 381,5 миң нафар аҳолини даромадли қилиш назарда тутилган.

Шу мақсадда Бухоро ва Когон шаҳарлари, шунингдек, Олот, Пешку, Қорақўл, Шофиркон, Гиждувон, Қоровулбозор туманларини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш бўйича маъмулий чоралар амалга оширилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро уч миң йиллик тарихга эга кўҳна замин экани, бундай бой маданий мерос ва тарихий обидалар жамланган шаҳарлар дунёда кам учрашини таъкидлади. Бу салоҳиятни иқтисодий ўсиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадини ошириш ва инфратузилмани яхшилашга хизмат қилдириш зарурлиги қайд этилди.

Инвестиция ва экспорт йўналишида 2026 йилда 3,3 миллиард долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 1,5 миллиард долларлик экспортни таъминлаш, умумий қиймати 9,2 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Sanoatни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, sanoat тармоқлари кесимида 61 та йirik лойиҳа шакллантирилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард долларни ташкил қилади. Натижада 18 миңга янги иш ўрни яратиш, аҳоли жон бошига sanoat ҳажмини 25,6 миллион сўмдан 29,6 миллион сўмга етказиш мўлжалланган.

Хусусан, Когон туманида йилига 80 миңга электр ва гибрид автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Лойиҳанинг қиймати 350 миллион долларни ташкил этиб, 500 та иш ўрни яратилади.

Шунингдек, Бухоро туманида пиролизни қайта ишлаш орқали бензол, толуол, ксилол, пентан, гексан, битум ва кальций хлорид ишлаб чиқариш бўйича 220 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш, Қоровулбозор туманида 85 миллион долларлик лойиҳа асосида "АИ-91" ва "АИ-92" бензин ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Когон туманида қоғоз ва картон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Қоровулбозор туманида йилига 100 миң тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш режалаштирилди.

риш, Когон туманида гипсокартон ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, 61 та мавжуд sanoat зонасидаги бўш ер майдонларида жойлаштириладиган янги ишлаб чиқаришлар учун устувор йўналишлар белгилаб олинди. Жумладан, Бухоро шаҳри ва Бухоро туманида озиқ-овқат ва мебелчилик, Вобкентда чарм ва енгил sanoat, Когон ва Қоровулбозорда нефть-кимё, Шофиркон ва Пешкуда фармацевтика ҳамда озиқ-овқат, Гиждувонда қурилиш материаллари йўналишлари устуворлик берилди.

Қишлоқ хўжалигида замонавий ердан фойдаланиш технологиялари ва ирригация тизимларини жорий этиш ҳисобига 100 миң гектар ерни ўзлаштириш ва фойдаланишга киритиш мумкинлиги қайд этилди. Бу вилоят иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятини сезиларли оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда вилоятдаги 3 миллион гектар яёлов ерларидан самарали фойдаланиш, чорвачиликни ривожлантириш, озуқабоп экинлар майдонини кенгайтириш бўйича янги ёндашувлар ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилда 59,2 миң гектар майдонга тўлиқ озуқабоп экинлар экиш режалаштирилган. Шунингдек, умумий қиймати 454 миллион сўм бўлган 82 та чорвачилик лойиҳасини амалга ошириш, бу мақсадда четдан 20 миң бош насли қорамол, 30 миң бош қўй ва 200 бош от олиб келиш кўзда тутилган.

Пахтачилик, галлчилик ва сув тежаш йўналишларида ҳам аниқ вазифалар белгиланди. Хусусан, 2026 йилда пахта ҳосилдорлигини 52 центнерга, галла ҳосилдорлигини 100 центнерга етказиш, 96,8 миң гектарда сув таъминоти ва мелiorатив ҳолатини яхшилаш, 453,5 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш, 742 та қишлоқ хўжалиги техникасини олиб келиш режалаштирилган.

Чорвачиликда ҳар бир туманда 50 бош насли қорамолга мўлжалланган замонавий минифермалар ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди. Ушбу дастур доирасида 110 та лойиҳа амалга оширилиб, 5,5 миң бош насли қорамол олиб келинади, 3 миң 750 та янги иш ўрни яратилади ва 51,5 миң тонна қўшимча сут ишлаб чиқариш қуввати шакллантирилади.

Хизматлар ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида маҳаллалар иқтисослашуви асосида 49 та лойиҳа амалга оширилиши, 33 та савдо ва сервис кўчаси, 2 та соҳил бўйи ҳудуди, 4 та туризм маҳалласи ва 10 та йўл бўйи лойиҳаси ташкил этилиши белгиланди. Бунинг учун жами 12,5 триллион сўм молиявий ресурс, жумладан, 7,5 триллион сўм кичик ва ўрта бизнесга йўналтирилади.

Туризм соҳаси ҳозирда, асосан, Бухоро шаҳри ҳисобига тўғри келаётгани, вилоятнинг бошқа туманларидаги имкониятлар эса ҳали тўлиқ ишга солинмагани қайд этилди. Жондор, Гиждувон, Бухоро, Қорақўл ва Вобкент туманларида соҳил бўйи ва йўл бўйи драйвер лойиҳаларини амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли учун замонавий дам олиш муҳитини шакллантириш бўйича катта имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан 2026 йилда 3,5 миллион хорижий ва 5,5 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, умумий туристлар сонини 9 миллионга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун 2026 йилда 73 та янги жойлаштириш воситаси, 15 та янги туроператор ва турагент ишга туширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий суверенитет ва давлат мустақиллиги ҳар қайси мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётининг энг асосий шарт ва гаровидир. Бу ҳал қилувчи омиллар давлатнинг халқро ҳуқуқ субъекти сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, халқнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг барча манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бизнинг миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиклол йўлида курашган фидойи аждодларимиз орзумидларининг рўёби бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган энг ишларимизнинг мустаҳкам асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Мамлакатимизнинг миллий суверенитети ва давлат мустақиллиги гоҳларининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатларини ўзида мужассам этган янги таърирдаги Конституциямиз ҳамда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз инсон қадр-қимматини юксалтириш, кўп миллатли жамиятимизда дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, унинг муқофаси қобилиятини кучайтириш, минтақада яхши қўшничи-

ликни ривожлантириш ҳамда Ватанимизнинг халқро обрў-эътиборини оширишда мустаҳкам таянч бўлиб келмоқда.

Миллий истиклолимизнинг давлатчилигимиз тарихи, ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидagi нуфузига мувофиқ юксак даражада, муносиб нишонлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Қўйдагилар:
 - а) "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" деган бош гоҳини ўзида мужассам этган гоҳий-бадиий концепция ва дастур 1 ва 2-илваларга мувофиқ;
 - б) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Республика комиссияси (А. Арипов):
 - а) мустақиллиқнинг 35 йиллигини Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида, барча маҳаллалар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, вазирлик ва идоралар тизимида муносиб нишонлаш мақсадида концепциянинг мазмуни ва асосий йўналишлари-

га мувофиқ чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этишини таъминлаш.

Бунда қўйдаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш:

- (i) Янги Ўзбекистондаги амалга ошириладиган ислохотлар натижасида юзага келган улкан имконият ва ютуқларни кенг ёритиш;
- (ii) мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор сурьатларда жадал ривожланиб бораётганини натижасида фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб бораётганини кўрсатиб бериш;
- (iii) юртимизнинг тинчлиги ва чегаралар дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи муқофаси салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ёритиш;
- (iv) истиқлол туғайли миллий қадриятлар, давлатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича эришилган ютуқ ва натижалар аҳамиятини таъкидлаш;
- (v) нурунийлар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини таъминлашга, ёшларнинг "Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари" сифатида билим ва касб эгаллашлари, тадбиркорлик ташаббуслари ва истеъодларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилганига урғу қаратиш;

(Давоми 2-бетда).

ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИ ДОИМИЙ ПЛАТФОРМАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бoshчилигида Осий хотин-қизлари II форумини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий кўмита аъзолари, сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Йиғилиш

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2025 йил 23 — 29 сентябрь кунлари бўлиб ўтган 80-сессиясида Осий хотин-қизлари форумини доимий платформага айлантириш таклифи алғари сурилган эди.

Шу мақсадда маъзур анжуманни "БМТ-аёллар" тузилмаси ва БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан биргаликда жорий йил 13 — 15 май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказиш белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ — УСТУВОР МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан "Тиббий суғурта тизимида гематологик ва онкогематологик беморларни дори воситалари билан таъминлаш ҳолати: муаммо ва ечимлар" мавзусида кўмита эшитиш ўтказилди.

Унда депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика иқтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази масъуллари, Тошкент давлат тиббиёт университети профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази тингловчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳбарлигида сўнгги йилларда олиб бориладиган ислохотлар натижасида аҳолига кўрсатиладиган гематология хизмати ҳолати янада яхшиланиб, касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш тизими такомиллашди.

УЛУФ ВА ТАБАРРУК ЗАМИН

Самарқанднинг дунё цивилизациясидаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда



Ташрифдан ташрифгача...

Ортада қолган йиллар сарҳисоби шуни кўрсатаяптики, давлатимиз раҳбарининг жойларга амалга ошираётган ҳар бир ташрифи уша ҳудудда мислсиз ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишларига катта туртки бериб, ҳар бир соҳада мудраб ётган ички салоҳиятни уйғотмоқда. Самарқанд вилоятида ҳам ташрифдан ташрифгача бўлган даврда ҳар жаҳода юксалиш кузатилди. Ушбу табаррук заминнинг тарихий қиёфаси замонавийлик билан уйғунлашиб, янада кўркамлик касб этиб борапти. Айниқса, сўнгги йилларда рўй бераётган ўзгаришлар нафақат ҳудуд инфратузилмаси ёки иқтисодий кўрсаткичларида, балки аҳоли ҳаёти, турмуш тарзида ёрқин акс этиб, одамларда эртанги кунга ишончини оширмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ўзида кўп миң йиллик тарих ва қадриятларни мужассам этган, замонавий мейморчилик анъаналари асосида кундан-кунга чирой очиб бораётган бу улғу замин дунё цивилизациясида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда".

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига қўшалок айём — Рамозон ҳайити ва Наврўз байрамлари арафасида амалга оширилган наваббатдаги ташриф ҳам тарихий воқеликларга ўта бой бўлгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, икки кунлик сафар давомида кўплаб йирик объектлар, му-

борақ масканлар фойдаланишга топширилган бўлса, яна юзлаб инвестициявий лойиҳалар ижросига қиришилди. Энг асосийси, ҳар бир тумани ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрининг Ўзбекистон кўча-

сида жойлашган собиқ ҳарбий госпитал ўрнида Ёшлар креатив шаҳарчаси ва жамоат боғи ташкил этилгани баҳорий байрам тўғриси бўлди. Маъзур шаҳарча йигит-қизлар учун дам олиш жойигина эмас, ахборот технологиялари ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, стартап лойиҳаларини амалга оши-

«ЯШИЛ МАКОН» — КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ ИФОДАСИ

Бугунги кунда экологик барқарорлик, иқлим ўзгариши ва аҳоли саломатлигини асраш масалалари дунё миқёсида энг долзарб мавзулардан бирига айланган. Шу нўқтаи назардан, мамлакатимизда амалга ошириладиган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси нафақат табиатни асраш, балки келажак авлод учун соғлом ва муносиб ҳаёт муҳитини яратишга қаратилган улкан ҳаракат сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Миллий дендрология боғини барпо қилиш ташаббуси доирасида кўчат экиш тадбирида қатнашиб, ушбу эзгу ташаб-

бунинг мазмун-моҳиятига яна бир бор алоҳида тўхталгани бежиз эмас. Zero, халқимиз азалдан дарахт экишни савоб амаллардан, ободлик ва фаровонлик рамзи деб билган. Сўнгги беш йил давоми-

да "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 млн. туп кўчат экилгани, миңглаб гектар майдонларда яшил боғлар, жамоат парклари ва янги ўрмонзорлар барпо этилгани бу борадаги ишлар тизими ҳамда кенг қўламда олиб бориладиганидан далолат беради. Айниқса, Орлолнинг қуриган тубида 2 млн. гектар майдонда химоя ўрмонзорлари яратилгани, чўл ва тоғ ҳудудларида янги ўрмонлар ташкил этилгани экологик ҳавфсизликни таъминлаш йўлида ниҳоятда муҳим қадамдир.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

(vi) миллатлараро дўстлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини сақлаш ва кучайтиришни барча фуқароларнинг муқаддас бурчи сифатида тарғиб қилиш;

(vii) байрам тадбирларига барча ёшлар, ижтимоий ва этник гуруҳлар ҳамда ватандошларнинг фаол жалб этилишини таъминлаш;

б) илм-фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, спортчилар, жамоатчилик вакиллари билан иборат бадиий-ижодий гуруҳлар тузиш ҳамда улар иштирокида апрель — сентябрь ойлари давомида республика бўйлаб кенг қўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ўз ичига олган "Мустақиллик тўйи" (фестивали) тадбирларини ўтказиш;

в) Тошкент шаҳрида ўтказилган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўришда таниқли сценарист ва режиссёрлар, шоир ва ёзувчилар, хонанда ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна расмолари, истеъдодли ёш ижрочиларни жалб этиш;

г) мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг йирик sanoat, madaniyat, taъlim va sport muassasalari ning tantanali ochilish marosimlarini yuqori saviyada tashkil etish choralarini kўrsin.

3. Белгилансинки, Маданият вазирлиги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича масъул ташкилот ҳисобланади.

4. Бадиий академия, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил 1 июнга қадар миллий мустақиллик ва суверенитет гояларини, Янги Ўзбекистон бунёдкорлиги қиёфасини ўзда акс эттирган "Ватан фидойилари" рамзий монументининг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ушбу монумент Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда 2026 — 2030 йил-

ларда барпо этилаётган умуммиллий бирдамлик боғларининг марказий қисмида ўрнатилиши ҳисобга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат маркази Янги Ўзбекистон тараққиёти тадқиқотлари институти, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази билан биргаликда 2026 йил 1 августга қадар ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижалари ва эришилган ютуқларга бағишланган "Мустақиллик зафарномаси" махсус китоб-альбомини тайёрласин.

6. Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2026 йил апрель ойидан ижтимоий тармоқларда #Mustaqillik35, #Uzb35 хештеглари остида тарғибот акцияларини (флешмоблар, подкастлар, викторина ва бошқалар) бошласин.

7. Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси 2026 йил апрель ойидан бошлаб "35 йиллик Истиклол йилномаси" рункида мустақиллигимизнинг тарихий босқичлари, эришилган ютуқлар ва бунёдкорлик ишларини ёритувчи туркум ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар тайёрлаш ва телеканалларда намойиш этилишини таъминласин.

8. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Адлия вазирлиги ҳамда Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг 2026 йил август ойида Тошкент шаҳрида "Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита "Ватандошлар" жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда 2026 йил август-сентябрь ойларида хориждаги ватандошлар ва ўзбек диаспораси вакиллари иштирокида "Мустақил Ўзбекистон — гурурим, ифтихорим" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этсин.

10. Марказий банк 2026 йил 1 сентябрга қадар "Мустақилликнинг 35 йиллиги" эсдалик олтин тангасини зарб этиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Транспорт вазирлиги 2026 йил 1 майга қадар тегишлича янги ташкил этилган маҳаллалардан ҳамда темир йўл станцияларидан бирига "Мустақилликнинг 35 йиллиги" номини бериш бўйича таклифларни киритсин.

12. Белгилансинки, ўтказилган байрам тадбирлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда хомийлик маблағлари ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджет ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлигига юртимиз мустақиллиги, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли ва халқимизнинг бирдамлиги ҳақида туркум материаллар тайёрлаш ва тарқатиш тавсия этилсин.

14. Республика комиссияси мазкур қарор ижросини назорат қилиш, ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бериш, зарур ҳолларда, қўшимча чора-тадбирлар кўришни таъминласин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 1 апрель

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ МАВЖУД ИМКОНияТЛАРИНИ ТўЛИҚ ИШГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Бухоро шаҳрида барпо этилаётган янги туризм марказида 5 та халқаро бренд меҳмонхона ташкил этиш, Шофиркон туманида "Хужа Ориф", Бухоро туманида "Чор Бақр" ва "Ержон" туризм кишлоқларини ривожлантириш, Бухоро шаҳрида "Мохи Хоса" туризм маҳалласини шакллантириш назарда тутилган. Бухоро тарихий марказида ЮНЕСКО талабларига мос алоҳида маъмурий бошқарув тизимини жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Когон шаҳрида 6 та тарихий объект негизда туризм шаҳарчасини ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Австриянинг Кремс университети билан қўшма факультет очилди, Бухоро туризм ва маданий мерос техникумини мазкур олийгоҳ бошқарувига бериш режалаштирилган. Бунда тўлиқ дуал таълим асосида мутахассислар тайёрлаш ва бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Ушбу университет Бухоро шаҳрида ташкил этилаётган туну кун кўчаларни бошқариш бўйича янги моделни ишлаб чиқишга ҳам қўмақлашади.

Йиғилишда аҳоли сонининг ўсишига мос равишда уй-жой ва инфратузилмани ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Бухоро туманидаги Работак маҳалласи ҳудудида 63 гектар майдонда 10 мингдан ортиқ хонадонли замонавий уй-жойлар комплекси қуриш, Бухоро шаҳрида янги маъмурий марказ ташкил қилиш, "Янги Ўзбекистон" массиви ҳамда "Янги Ўзбекистон" боғини барпо этиш, Бухоро давлат университетининг янги кампусини қуриш

каби йирик қурилиш ва урбанизация лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди. Вилоятда узунлиги 33,1 километр бўлган 7 та айланма йўл барпо этиш, Гузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу йўлининг 78 километр ва Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши йўлининг 71 километр қисmini реконструкция қилиш, "А-380" йўли бўйида 30,8 гектар ер майдонини аукционга чиқариб, 403 та сервис лойиҳасини жойлаштириш режалаштирилган.

Оғир тоифадаги 3 та туман ва 36 та маҳаллада, шунингдек, "Янги Ўзбекистон қиёфасидаги" 2 та туман ва 35 та маҳаллада янги ёндашувлар асосида йўл, электр, сув ҳамда сугорғиш тармоқларини яхшилаш ишлари амалга оширилиши, бу мақсадларга жами 593 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши маълум қилинди.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун 2026 йилда жами 4 трлн сўм 484 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши, бунинг ҳисобига мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари ҳамда коммунал ва транспорт инфратузилмаси бўйича юзлаб лойиҳалар амалга оширилиши қайд этилди.

Президентимиз Бухоро вилоятининг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш, ҳар бир ташаббусни аниқ лойиҳага айлантириш, инвестиция, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва инфратузилма соҳаларида натижадорликни таъминлаш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.



ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИ ДОИМИЙ ПЛАТФОРМАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Форум доирасида минтақа хотин-қизларининг сиёсат, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш ва таълим, ижтимоий ҳимоя, иқлим, экология ва бошқарув соҳаларидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама этилади. Бу бордаги глобал ва минтақавий ҳамкорлик янада мустақамланди ва ўзаро тажриба алмашилади. Мазкур анжуман орқали

давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий имкониятлар, бандлик, тадбиркорлик, таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳаларини яратилган шарт-шароитлар, обод маҳаллалар ва фаровон оилалар ҳаёти, туризм салоҳияти ҳамда илгор миллий тажриба хорижий иштирокчиларга етказилади.

Шунингдек, Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ конвенцияси, Хавфсизлик Кенгашининг 1325-резолюцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси қоидаларини ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Йиғилиш давомида тадбир-

ни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий жиҳатлар, форум кун тартиби, унинг мазмунини ҳамда хорижий мамлакатлар делегациялари билан икки томонлама учрашувларни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилиш якунида форумни юқори савияда ўтказиш бўйича вазирлик ва идоралар масъуллари олдига аниқ вазифалар қўйилди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ — УСТУВОР МАҚСАД

Гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, зарур дори-дармонлар билан таъминланмоқда.

Шу билан бирга, гематологик, онкогематологик ва бошқа даволаш



қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга эрта ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, ушбу касалликлар профилактикасини замонавий усуллар асосида тақомиллаштириш ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Йиғилишда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар эътибор этилиб, мавжуд муаммолар чуқур таҳлил қилинди. Аҳоли орасида гематологик ва онкогематологик касал-

ликларни эрта босқичда аниқлаш ҳолатлари уллушини ошириш, гематологик хасталиқларга чалинганларнинг ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан қамраб олиш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, гематологик ва онкогематологик беморларни дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, миллий клиник протокол ва стандартларга мувофиқ амалиётни тўлиқ жорий этиш, давлат тиббий сугуртаси тизими доирасида касаллик асоратларининг олдини олиш мақсадида амбулатор ва уй шароитида даволашни молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА, қўмита аъзоси:

— Гематологик ва онкогематологик беморларни дори воситалари билан таъминлаш масаласи тиббий сугурта тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун эса тизимли ёндашув ва комплекс

ислохотлар талаб этилади. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ушбу соҳада ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Тиббий сугурта тизимини тақомиллаштириш орқали гематологик ва онкогематологик беморларнинг ҳаёт сифати ва даволашни самарадорлиги сезиларли даражада ошади. Муҳокамада биз, депутатлар айнан ушбу жиҳатларга эътибор қаратган ҳолда, ўз тавсияларимизни бердик.

Эшитув давомида депутатлар томонидан фуқаролар мурожаатлари асосида ўтказилган ўрганишларда аниқланган масалалардан келиб чиқиб, махсус дори воситаларини марказлаштирилган тарзда ўз вақтида харид қилиш, беморларни амбулатор ва уй шароитида даволашни давлат томонидан қафолатланган тиббий хизматлар пакети доирасида амалга ошириш, профилактик даволаш механизмларини кучайтириш бўйича зарур тақлифлар берилди. Якунда кун тартибидagi масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ҳамда Ички ишлар вазири ўринбосари Баҳодир Мирзарахимов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳрининг Миробод туманида хавфсиз муҳитни шакллантириш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

Ўрганиш

Ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллаларда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш ҳамда аҳоли хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилди. Бунда фақат мавжуд ҳолатни баҳолаш билан чекланилмасдан, амалий натижа берувчи янги ёндашувлар ва механизмлар жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Миробод тумани ҳокимлигидаги республика идоралараро мувофиқлаштирувчи штаб фаолияти ўрганилиб, унинг самарадорлигини янада ошириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди.

Туман ҳудудида ўрнатилган видеокузатув камераларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, уларни яқинга интеграциялаш тизимга улаш орқали жиноятларни тезкор аниқлаш ва олдини олиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ "Обод маҳалла" дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш сайё-ҳаракатлари олиб борилаётган Зиёнор маҳалласида бўлиб, бу ерда хавфсиз муҳит яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли қадрларни тайёрлаш институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ҳамкорлик

Томонлар ёшлар сиёсати соҳасида қонунийликни тақомиллаштириш, йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг таълим олиши, бандлиги ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тақлифлар ишлаб

чиқишда ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

Шу билан бирга, ёшлар муаммоларини тизимли равишда ўрганиш, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини таҳлил қилиш ҳамда замонавий таҳдидларга самарали жавоб берувчи ечимларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиши таъкидланди.

Учрашув Бўлажак ҳуқуқшунослар Сенатда

Куни кеча Тошкент давлат юридик университети талабалари Олий Мажлис Сенатиди бўлиб, парламент юқори палатаси фаолияти билан ақйдан танишди.



Маҳалла аҳолиси билан ўтказилган мулоқотларда мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича манзилли чоралар белгилан олди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари Кўйлик ота маҳалласига ташриф буюриб, ушбу ҳудудга жалб этилган қўшимча куч ва воситалар фаолияти билан танишди. Жараёнда профилактика ишларини янги босқичга олиб чиқиш, замонавий ёндашувларни жорий этиш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Учрашувлар давомида ҳудудларни замонавий техник қўриқлаш воситалари билан ҳимоялаш, объектларнинг қўриқловга қамровини кенгайтириш орқали ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли ва тарқалишининг олдини олиш бўйича профилактик ишлар кучайтирилиши белгиланди.

Тадбирда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов ва доимий асосда ишловчи сенатор Зумрад Бекатова мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, суд-ҳуқуқ ислохотлари, Сенат фаолияти, унинг қонунчилик жараёнидаги ўрни ҳамда парламент тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Бўлажак ҳуқуқшуносларга касбий фаолият юзасидан зарур тавсия ҳамда маслаҳатлар берилди.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, давлат бошқаруви ва парламент фаолиятига оид масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Халқ сўзи».

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг "Соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг ҳал этилаётганлиги ҳолати тўғрисида"ги ахбороти аштитилди. Маълум қилинганидек, вазирлик тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш "халқ билан мулоқот" тамойили асосида олиб борилаётган. Хусусан, ота-оналар ва тизим ходимларининг мурожаатларига тезкор жавоб бериш учун "Ишонч телефони" йўлга қўйилган. 2025 йилда Сал-марказ орқали 52 мингдан ортиқ фуқароларнинг кўнгирокларига жавоб берилган.

Ахборотда келтирилишича, мурожаатлар билан ишлаш бўйича вазир портали ҳам ташкил этилган. Бунда ота-оналар, педагог ходимлар ва кенг жамоатчилик вазирлик тизимини янада ривожлантириш бўйича ўз тақлифларини юбориши мумкин. Шу билан бирга, мамлакат бўйлаб ҳар бир туман ва шаҳарда сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда. 2025 йил давомида вазирлик тизимида 46 909 та мурожаат тушган. Шунингдек, вазирликнинг фуқаролар қабулхонасида 7 минг нафардан зиёд кишиларнинг озаки мурожаатлари қабул қилинган.

Йиғилишда мурожаатларни кўриб чиқишда фақатгина расмий жавоб бериш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга жиҳдий эътибор қаратилганлиги алоҳида айтилди.

Берилган ахборотга кўра, соҳани рақамлаштириш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фуқаролар учун ўндан ортиқ рақамли хизматлар йўлга қўйилиб, зарур маълумотларни масофадан туриб олиш имконияти яратилган. Бу эса ортиқча қоғозбозликни камайтириш, вақтни тежаш ҳамда давлат хизматларининг очкилиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Васила ФАЙЗИЕВА, қўмита аъзоси:

— Кун тартибидagi масала муҳокамада вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, аҳоли

мурожаатлари билан ишлашда айрим камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратдик. Хусусан, депутат суровларига ўз вақтида жавоб берилмаслик ҳолатлари, юборилган ахборот мурожаатлар юзасидан муаллифга ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланиётганини кузатишмоқда. Бу эса тақрорий мурожаатларнинг орттишига, аҳоли томонидан кўтарилган муаммолар ҳал этилмай қоллишига сабаб бўлаёттир. Шу боис жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини янада яхшилаш, унга масъул бўлган ходимларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш бўйича қатор тақлиф ва тавсияларимизни бердик.

Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Акс садо

«ЯШИЛ МАКОН» — КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ ИФОДАСИ

Этиборлиси, бу ташаббуслар эндиликда фақат кўчат экиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Замонавий кўчатхоналар, сувсизликка чидамли галопит боғлари яратилаётгани, худудларнинг иқлим ва тупроқ хусусиятидан келиб чиқиб илмий ёндашув асосида иш олиб борилаётгани «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси мутлақо янги босқичга кўтарилганини кўрсатади.

Қисқа давр ичида республикада яшиллик даражасининг 8 фоиздан 14,2 фоизга ошгани ҳам бу саноат-аграрнинг амалий самарасини аққол намойён этмоқда. Энг муҳими, ушбу хайрли ишда нурунийлар, ёшлар, тadbиркорлар, меҳнат жамоалари ва кенг жамоатчилик фаоллик кўрсатаётгани жамиятимизда экологик маданият тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. 2030 йилга қадар эса мамлакатдаги умумий яшиллик даражасини 30 фоизга, жон бошига тўғри келадиغان яшил худудлар ҳажмини эса 10 квадрат метрга етказиш бўйича улкан мақсадлар белгилангани аниқ йўналишдаги ислохотларнинг изчил давом этишини аниқлатади.

Бугун экология масаласи бу шунчаки табиати асраш эмас, балки инсон ҳаёти сифати, худудлар жойбардорлиги ва иқтисодий барқарорлик билан бевосита боғлиқ масаладир. Шу боис «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ҳар бир юрдошимиз учун умумхалқ ҳаракати бўлиши зарур.

Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

БИРНИ КЕССАНГ, МИНГНИ ЭК!

Мамлакат тараққиётини атроф-муҳит муҳофазаси, инсон саломатлиги ва худудлар ободлиги билан уйғун ҳолда тасаввур қилиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқимизда «Бирни кессанг, мингни эк» деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Шу маънода, юртимизда амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси кенг қўламли ободонлаштириш ишларини янги босқичга олиб чиққан, табиатга эҳтиёткор муносабатни ҳаёт тарзига айлантиришга қаратилган муҳим ташаббус сифатида намойён бўлмоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, халқимиз азал-азалдан кўчат экишни эзгулик, ободлик ва баракка тимсоли деб билган. Наврўз айёмида, оилада фарзанд туғилганда, маҳалла ва кўчаларни обод этишда дарахт экиш анъанаси халқимизнинг табиатга меҳр-муҳаббати, келажакка ишончи ва бунёдкорлик руҳини аққол намойён қилади. «Яхшидан боғ қолади». «Бир кўчат — минг барака» каби ҳикматли нақл ва қадриятлар бугун янада чуқур маъно касб этмоқда.

Этиборлиси, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси фақат оммавий кўчат экиш ташаббуси

эмас, балки чуқур илмий, ташкилий ва институционал асосга эга йирик экологик сиёсатга айланишмоқда. Ҳар бир худудда «Яшил» техникалар ташкил этилиши, дуал таълим асосида йилга 10 минг нафар мутахассис тайёрланиши, ботаника ва дендрология боғларининг амалиёт ҳамда тадқиқот базасига айланиши бу йўналишда узоқ муддатли ва пухта ўйланган ёндашув шаклланиётганидан далолат беради.

Бугунги кунда маҳалла раислари, нурунийлар, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилики ана шундай эзгу ишлар атрофида бирлаштириш гоят муҳим. Чунки яшиллик

яратиш — шунчаки ободонлаштириш эмас. Бу тоза ҳаво, соғлом муҳит, аҳоли саломатлиги, худудлар жойбардорлиги ва эртанги кун фаровонлиги, демаскидир.

Миллий дендрология боғининг барпо этилиши, «Яшил» университет худудида «илм — лойиҳа — амалиёт» занжири асосида замонавий лабораториялар ва марказлар очилаётгани ҳам экологик сиёсатимизнинг илм-фан билан чамбарчас боғланаётганини кўрсатади. Бу эса «Яшил» тараққиёт йўлида нафақат бугунги эҳтиётларни, балки келажакдаги экологик таҳдидларни ҳам олдиндан ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилинаётганидан далолат беради.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси нафақат экологик ташаббус, балки юрт тақдир, миллат саломатлиги ва келажак авлод олдидаги юксак масъулият ифодасидир, десак, аниқ ҳақиқат. Зотан, кўчат экиш, боғ яратганларнинг номи эл-юрт тилида, дилда абадий қолади.

Нуратилла ПАРДӘЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ РИВОЖИДА МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган ва бугунги глобаллашув даврида бунинг аҳамияти янада ортмоқда.

Депутат шарҳи



Сир эмаски, инсон соғлиғи кўплаб омилларга боғлиқ, ammo улар ичида энг муҳими — спорт билан мунтазам шуғулланиш. Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш, спорт иншоотларини замонавий жиҳозлар билан таъминлашга устуворлик берилаяти. Маҳалладан бошлаб аҳоли, айнақса, ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиби қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляптир.

Бугунги ислохотлар ҳам, натижалар ҳам аввалгиларга ўхшамайди. Яъни спорт йўналишида эришилган ютуқларимиз, ҳаётга татбиқ этиётган ис-тиқобли лойиҳаларимиз йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, азму шижоатли спортчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда эришган ғалабаларини таъкидлаш ўринли, албатта. Биргина 2025 йил Ўзбекистон футбол уюни чинакам тарихий йил бўлди. Миллий терма жамоамиз ilk бор жаҳон чемпионатига йўлланмани кўлга киритди. Моҳир шахматчиларимиз жаҳон кубоғи мусобақаларида муносиб қатнашиб юқори натижаларни кўрсатишаётир. Утган йилги Ёшлар Паросиёи уйинларида жасорат ҳамда матонат соҳиб бўлган спортчиларимиз 125 та олтин, 77 та кумуш ва 52 та бронза медалини кўлга киритиб, иштирокичи давлатлар орасида энг юқори натижага эришди.

Ютуқлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айтмоқчимизки, Янги Ўзбекистонда спорт сиёсат даражасига чиқди. Маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофида «саломатлик йўлақлари» ва спорт майдончалари қурилиб, таълим муассасаларида спорт тўғрариқари очилигани натижада халқимизнинг ўз саломатлиғига қарашлири туддан ўзгарди. Мазкур йўналишдаги туб ислохотлар ёш авлод вақилларини

спортга кенг жалб қилиш орқали уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилгани билан ҳам эътиборга молик, албатта. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган — «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун ҳам соҳадаги ишларнинг манتيқий давоми бўлди, десак, аниқ ҳақиқат. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу ҳужжатни тайёрлаш жараёнида илгор хорижий тажрибалар ўрганилди. Халқаро спорт ташкилотлари вақиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказилди. Вазирлик ва идоралар, жисмоний тарбия ҳамда спорт соҳасида фаолият олиб борувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар, соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатган мутахассисларнинг таклифи ва хулосалари олинди.

Қонун билан оммавий спортга кенг жалб қилиш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фуқароларнинг жисмоний тайёрлиги даражасини баҳолаш, «Беш ташаббус олимпиадаси», «Беш ташаббус паралимпиадаси» ва бошқа оммавий спорт мусобақалари, спорт федерациялари, тренер, ҳакам, спорт агенти ҳамда бевосита соҳада даладор қатор субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, спортда манфаатлар тўқнашуви, мусобақалар натижаларига қонунга ҳилоф равишда таъсир кўрсатишини олдини олиш, допингга қарши курашиш, мактабларда ҳамда олий таълим ташкилотларида спорт клубларини ташкил этиш масалалари ҳам тартибга солинди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталарининг ҳуқуқий мақоми ва вақолатлари, сурдлимпия, махсус олимпия, кўзи ожизлар спортни ҳаракатлари оид ҳамда бошқа қатор муҳим масалалар қонун даражасида мустаҳкамланди. Ҳўжат билан белгиланган барча нормалар соҳани янада ривожлантириш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортга оид муносабатларни тизимли ташкил этиш имконини беради.

Тўйчи ЁҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БОҶИЙЛИККА ДАХЛДОР УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

Президентимиз кенг жамоатчилик вақиллари билан биргаликда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо қилишга старт бергани юртимиз ҳаётида муҳим воқеалик.

Таъкидлаш жоизки, бундан беш йил аввал илгари сурилган ушбу лойиҳа бугун кенг қўл очиб, юртимизда экологик вазиятнинг янада яхшилаш, иқлим ўзгаришларига миллий ечим сифатида намойён бўлмоқда.



дирлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо қилишга старт бергани юртимиз ҳаётида муҳим воқеалик.

Утган даврда 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парклари, 47 та массивда «Янги Ўзбекистон боғлари» барпо этилгани фикримиз тасдиғидир. Тоғ, чўи ва адирларда минглаб гектар ўрмон ташкил қилинган, Ормоннинг қурган тубида икки миллион гектар майдонда яшил қопламаларни ҳўмон ўрмонзорлари яратилгани натижасида мамлакатимизда яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди.

Жорий йил 25 март куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси самара-

дорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо қилишга старт бергани юртимиз ҳаётида муҳим воқеалик.

учун 412 млн. сўмдан маблағ ажратилиши бўйича билдирилган таклиф биз, парламент вақилларини қувонтирди.

Дарахт ҳамда буталарнинг, яшилликнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти қанчалик муҳимлиги барчамизга яхши аён. Кўкка буй чўзиб турган салобатли дов-дарахтлар, қўқаламзор жойлар кўзни янатиши билан бирга ҳаво мусаффолигини ҳам таъминлайди. Яшайётган маконни яшиллик бурқаш, боғу бўстонлар барпо этиш инсон ҳаётини боқийликка дахлдор қилади.

Зеро, яшил олам мусаффо табиатнинг асосий илдизидир. Табиий дренаж ҳисобланган кўп йиллик дарахтларнинг экилиши худуддаги микроклимни юмшатади. Қўқаламзорлаштирилган худудларни, айнақса, шаҳар ва автомобиль йўллари четида яшил худудларни кенгайтириш атмосферага ташланаётган ифослантирувчи моддалар микдорини камайтиради. Борлиқини яшилликка бурқаниши аҳоли саломатлигини сақлашнинг асосий омилларидан биридир.

Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида яшилликни кўпайтириш, дарахт ва бутта кўчатларини экиш орқалигина мусаффо табиати келажак авлодга етказишимиз мумкин. «Зеро, яхши ниятда экилган ҳар бир кўчат бу — ҳаёт, бу — тоза ҳаво, бу — соғлом муҳит, бу — келажак демек!» деди давлатимиз раҳбари.

Шундай экан, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга содиқлик тимсоли сифатида мамлакатимиз худуди-ни боғу бўстонга айлантиришга йўналтирилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирларида фаол иштирок этиш орқали Янги Ўзбекистоннинг «Яшил» тараққиёти учун ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Ҳайрулло ГАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш масалалари қўмитаси раиси.

УЛУҒ ВА ТАБААРРУК ЗАМИН

Ишбилармонлик маркази

Самарқанд вилояти ўзининг юксак нуфузи ҳамда саложиятига қарамай, узоқ йиллар мамлакатимизнинг ривожланган худудлари қаторига кира олмади. Нега? Негаки, вазиятни ўнглаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, деярли барча соҳада йиғилиб қолган тизимли муаммоларни ҳал этиш, катта мақсад ва режаларни тўла-тўқис рўйбга чиқаришда тўсиқ ва говлар бор эди. Қолаверса, аҳолининг катта қисми дала ишларида банд бўлиб, саноат етарли даражада ривожланмаган, худуднинг республика ишлаб чиқаришдаги улushi тахминан 5 фоиз атрофида эди.

Инфратузилмада ҳам муаммолар қалашиб кетганди. Электр ва газ таъминотидаги узилишлар оддий ҳол сифатида қабул қилинар, эскирган тармоқлар, заиф коммунал тизими, сифатли ичимлик суви танқислиги — булар кундалик ҳаёт сифатида салбий таъсир кўрсатмасдан қолмас эди, албатта.

2017 йилдан сўнг, аниқроқи, давлатимиз раҳбари томонидан узоқни қўлаб юритила бошланган оқилона сиёсат туялиги худуд тараққиётида мутлақо янги босқичга қадам ташланди. Жалб этилаётган инвестициялар ҳажми, технология ва инновациялар қўлами каррасига ортиб, саноат ривожланди, таълим ва тиббиёт соҳалари такомиллашди. Пировардида Самарқанд қисқа вақт ичида чин маънода сиёсий, иқтисодий, санъат ва маданият, ишбилармонлик марказига айланди. Биргина 2025 йилнинг ўзида 40 дан ортик халқаро тadbирлар ўтказилгани фикримиз тасдиғидир.

Кейинги йилларда туризм соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам алоҳида эътирофга лоик. Айнақса, Президентимиз гоёси ва ташаббуси билан бунёд этилган «Буёқ Ипак йўли» халқаро туризм маркази худуднинг янги «таъриф қўғози»га айланди. Гап шундаки, ушбу кўп тармоқли марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс-холл, «Боқий шаҳар» мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар мавжуд бўлиб, йилга 2 миллион туриста хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Шу тариха меҳмонхона хизматлари сифати жаҳон стандартларига мос даражага етказилиб, анъанавий экскурсиялар ўрини замонавий сервис эгаллади. Натижада сайёҳлар сони 2016 йилдаги қисқанган 7 баробар ошди, туристик хизматлар экспорти эса 600 млн. долларга етди.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ортиб боряпти. Агар янги худудий махсулот ҳажми 2016 йилда 23 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, ҳозирда ушбу рақам

121,5 трлн. сўмлик кўрсаткичда. Худди шунингдек, илгари саноат махсулотлари ишлаб чиқариш 7,4 трлн. сўмдан ошмаган бўлса, утган йил якунларига кўра, бу 57,8 трлн. сўм бўлди.

Албатта, ушбу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётган ютуқларни йўқ. Бунинг замирида худудларни тизимли ривожлантиришга қаратилган оқилона иқтисодий сиёсат муҳим бўлган. Чунки, сўнгги тўққиз йил мобайнида юзлаб замонавий корхона ва фабрикалар ишга туширилди, минглаб хизмат кўрсатиш объектилари фойдаланишга топширилди. Уларда яратилган ўш минглаб янги иш ўринлари эса аҳоли бандлиги ва оилавий фаровонлигини таъминлашда муҳим манба бўлди.

Янги «ўсиш нукталари»

Давлатимиз раҳбари ҳамма масаланинг ечими қўйда эканини кўп бора таъкидлар



Ҳосан ПАЙДОЕВ олгон суратлар.

экан, барча бўғиндаги раҳбарлардан «паства» тушиб, жойлардаги асл вазиятни билиб ишлашни, одамларни уйлантираётган муаммоларга ечим топишни талаб этади. Таъкидлар давомида турли соҳа вақиллари, оддий одамлар билан дилдан сўхбатлашиб, уларнинг фикрга қўлок тутиди. Шу асосда, ҳар бир худуднинг табиий имкониятидан келиб чиқиб, янги ривожланиш нукталарини белгилаб беради. Ҳатто уларни амалга ошириш бўйича механизмлар ҳам аниқ-равшан кўрсатилади.

Самарқанд вилояти мисолида айтганда, Юртбошимиз кўрсатмалари асосида инвестиция ва молиявий ресурслар самарали тақсимланиб, капитал юқори технологияли ҳамда экспорт салоҳияти катта соҳаларга йўналтирила бошлангани кўтилган натижаларни берди. Инвестициялар ҳажми 2016 йилда атиги 38 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунига кўра, 1 млрд. 476 млн. доллар сармоя киритилди. Яқин истиқболда бунинг 3 млрд. долларга етказиш мақсад қилинган. Бу даврда экспорт ҳажми ҳам сезиларли да-

ражада ошиб, 260 млн. доллардан 1 млрд. 10 млн. долларга етказилди.

Булар шунчаки рақамлар эмас, унинг ортида 3 миллиондан ортик аҳолининг реал ҳаёти, бугунги ва эртаси туриди. Сабаби худуд иқтисодиётининг ривожланиши ижтимоий соҳаларни қўлаб-қувватлаш, маҳаллаларни камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айлантириш имкониятини кен-



гайтиради. Айтайлик, 2016 — 2025 йиллар давомида Самарқанд вилоятига 12 млрд. доллар инвестиция жалб қилиниб, тadbиркорлик субъектлари сони икки баробар ошди, 600 мингта доимий иш ўрни яратилди. Шу давр мобайнида 1132 та кўп қаватли уй барпо этилиб,

улари нарқобат устуликларини, логистика, кадрлар салоҳиятини, анъанавий тармоқларини ва янги «ўсиш нукталари»-ни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак. Шундан келиб чиқиб, туман мута-саддиларга қўлаб муаммоли масалаларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Масъуларга тумани ишсизликдан холи худудга айлантириш, даромадни қўлайтириш бўйича Нарпай таърибасини яратиш вазифаси топширилди. Шу билан бирга, Нарпай ҳамда Кўшработ, Каттақўрғон, Пахтачи туманлари, Каттақўрғон шаҳрида саноатни ривожлантириш бўйича дастур қабул қилиниб, 1 трлн. 200 млрд. сўм ажратилиши белгилаб берилди. Бу маблағларнинг 800 млрд. сўми саноат лойиҳаларини зарур инфратузилма билан таъминлашга, қолган 400 млрд. сўми йўл, сув, электр таъминоти яхшилаш, сервис ва реновация лойиҳаларига йўналтирилади.

Ана шундай мақсадли чора-тадбирлар, давлатимиз раҳбарининг Самарқанд ҳар соҳада намуна бўлиши керак, демак чакиррига жавобан худуд барқарор ва изчил ривожланишини, саноат салоҳиятини тўлиқ очиб беришини таъминлайди, албатта.

Янги Ўзбекистон дурдонаси

Самарқанднинг сайёҳлик, айнақса, зиёрат туризми салоҳияти ниҳоятда юқори. Аммо шу пайтгача бундан етарли-ча фойдалана олинмаётган эди.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан Имом Бухорий мажмуаси буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида



но-мазмун муҳжасам. Бундан ислохотларнинг ҳозирги босқичида асосий эътибор марка-зий худудларга эмас, аксинча, чекка туманлар равнақига қаратила бошланганини англаш мумкин. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, эндиликда ҳар бир қарор туманларнинг ўзига хос жиҳатларини,

улари нарқобат устуликларини, логистика, кадрлар салоҳиятини, анъанавий тармоқларини ва янги «ўсиш нукталари»-ни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак. Шундан келиб чиқиб, туман мута-саддиларга қўлаб муаммоли масалаларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Масъуларга тумани ишсизликдан холи худудга айлантириш, даромадни қўлайтириш бўйича Нарпай таърибасини яратиш вазифаси топширилди. Шу билан бирга, Нарпай ҳамда Кўшработ, Каттақўрғон, Пахтачи туманлари, Каттақўрғон шаҳрида саноатни ривожлантириш бўйича дастур қабул қилиниб, 1 трлн. 200 млрд. сўм ажратилиши белгилаб берилди. Бу маблағларнинг 800 млрд. сўми саноат лойиҳаларини зарур инфратузилма билан таъминлашга, қолган 400 млрд. сўми йўл, сув, электр таъминоти яхшилаш, сервис ва реновация лойиҳаларига йўналтирилади.

Ана шундай мақсадли чора-тадбирлар, давлатимиз раҳбарининг Самарқанд ҳар соҳада намуна бўлиши керак, демак чакиррига жавобан худуд барқарор ва изчил ривожланишини, саноат салоҳиятини тўлиқ очиб беришини таъминлайди, албатта.

Янги Ўзбекистон дурдонаси

Самарқанднинг сайёҳлик, айнақса, зиёрат туризми салоҳияти ниҳоятда юқори. Аммо шу пайтгача бундан етарли-ча фойдалана олинмаётган эди.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан Имом Бухорий мажмуаси буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида

тутган юксак маркази, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилган, Имом Мотуридий мажмуаси қайта таъмирланиб, обод қилинаётгани, шунингдек, қурилиш ишлари жараёнида буюқ фақиҳ Бурҳониддин Маргиноний дафн этилган жой ҳам аниқланиб, бу ерда мақбара тикланаётгани ҳамда яна кўплаб лойиҳалар зиёрат туризми ривожига янги ўфқларни очмоқда.

Вилоятда зиёратчиларга ҳар томонлама қўлай шарт-шароит яратилаяпти. Биргина Имом Бухорий мажмуаси қошида туризм маркази очилгани, унга ёндوش 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нукталари барпо этилгани тўғрисида кўнига 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш имконияти пайдо бўлди. Вақоланки, илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатилар эди, холос.

Мажмуанинг маҳобаты ва кўркам қиёфасига боқиб, кишининг ақли шошади. Ун минг кишига мўлжалланган улкан масжид, мажмурият биноси, 154 устули миллий услубдаги мухташам айвон унга янада улғурворлик ва виқор бахш этиб турибди.

Мажмуа таркибида энг илгор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей ўрин олган бўлиб, у ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф топган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўлган ҳиссасини намойён этади. Шунингдек, музейда Қуръони каримда исмлари зикр қилинган 25 пайғамбар тарихи, Мухаммад алайҳиссаломнинг шаҳараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, хадисларнинг жамланши ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Хуллас, бу ерга қадами етган кишининг руҳи уйғонади, қўли дили очилади, қалби таскин топади. Шу маънода, уни нафақат Самарқанднинг, балки янги Ўзбекистоннинг дурдонаси, дейиш мумкин. — Улуғ муҳаддис бобомиз Имом Бухорий ҳазратлари номи билан аталадиган муқаддас зиёратгоҳ ва унинг атрофида қурилиш-бунёдкорлик ишлари шарофати билан бизнинг маҳалламиз қиёфаси

кўркам шаҳарга кўринишини олди, — дейди Пайқариқ туманидаги Ҳўжа Исмоил номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жамол Нарзиёв. — Аҳир, худуддаги беш қишлоқда коммуникация тизими тўлиқ янғиланди. Янги йўл ва кўприklar қурилди, жами 48 километр йўлга асфальт ётқизилди. Намунавий лойиҳа асосида қурилган ҳовлилар ва кўп қаватли уйлاردан ташқари, яна 1200 дан ортик аҳоли хонадонларида таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилди. Барча хонадонлар марказлашган ичимлик суви ва оқова тизимга улан-ди, табиий газ, интернет тармоғи кириб бормаган хонадон қолмади ҳисоб.

Маҳалламизда 150 дан ортик тadbиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб келаятганди, эндиликда уларнинг сафи кенгаймоқда. Биргина меҳмонхона ҳўжалиги йўналишини айтилган бўлса, 22 нафар маҳалладошимиз ўз хонадонда меҳмон уйи ташкил этди. Саавдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиш орқ

Кардошлик ришталари

САНЪАТ — ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Ўзбек Миллий академик драма театрида Токтоболот Абдумомунов номидаги Қирғиз миллий академик драма театри ижодкорлари ҳамда ушбу мамлакат делегациясининг ташрифи доирасида мазмунли маданий тадбир бўлиб ўтди. Унда кардош мамлакат элчихонаси вакиллари, миллий маданий марказлар, юртимиздаги қирғиз диаспораси аъзолари, ижодкор зиёлилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик мутасаддилари қатнашди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Президенти маънавияти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султонов ва Қирғиз Республикаси Президенти маънавияти Медет Букуев кейинги йилларда икки халқ ўртасидаги кардошлик ришталари янги шакл ва мазмун билан янада бойиганини таъкидлади. Ҳар алоқалар маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида ҳам изчил кенгайиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда улғур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов меросини чуқур ўрганиш, асарларини қайта чоп этиш ва кенг тарғиб қилиш борасида кўпмаъраза маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Икки мамлакат театрлари ўртасидаги алоқалар, ижодий сафарлар мунтазамлик касб этган. Қирғиз театри ижодкорларининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи нафақат саҳна асарлари намойиши, балки ижод-

кор зиёлилар ўртасида фикр ва таъриба алмашиш, ўзаро мулоқотни мустақамлаш учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилди. Ташриф доирасида Қирғизистон халқ ёзувчиси Қайрат Иманалиев асари асосида саҳналаштирилган "Охири хат" драмси томошабинларга тақдим этилди. Мазкур асарда Чингиз Айтматовнинг изтироби болалик йиллари, отаси Тўракул Айтматов бошидан кечирган оғир тақдир, унинг репрессия қурбонига айлангани, онаси Нагима аянинг фарзандларини илм ва маърифатга қорлагани таъсирчан бадиий ечимларда ёритилган.

Тадбир якунида томошабинлар ушбу саҳна асари уларда чуқур таассурот қолдирганини, кардош халқлар ўртасидаги маънавий яқинлиқни янада мустақамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Янги Ўзбекистон тараққиётида таълим тизимини модернизация қилиш, айниқса, мактабга таълим сифатини ошириш энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, инсон камолотининг пойдевори айнан мактабга таълим босқичида шакллантирилади. Шу боис педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари олдида замонавий билим ва халқаро таърибага эга мутахассисларни тайёрлаш масъулияти қўйилган.

Таълим

Наманган давлат педагогика институти Мактабга таълим кафедраси ҳам ушбу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда илғор хорижий таърибаларни ўрганиш ва уларни миллий таълим тизимига мослаштириш борасида қатор ташаббусларни амалга оширмоқда. Хусусан, Япония мактабга таълим тизимидagi самарали педагогик ёндашувлар кафедраси фаолиятида алоҳида эътибор қаратилаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Мазкур ташаббусларнинг муҳим қисми сифатида вилоят миқёсида ташкил қилинган "EDUKIDS" ўқув-методик ҳамкорлик маркази фаолияти алоҳида аҳамият касб этди. Марказ доирасида ўтказиладиган маҳорат дарслари ва тренинглари Японияга хос педагогик тамойил — педагогнинг назоратчи эмас, балки болага йўл кўрсатувчи сифатида фаолият юритиши госяига асосланади. Бу ёндашув болаларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Кеңаш доирасида талабалар учун рақамли ва инновацион педагогик муҳит яратиш ҳам кафедра фаолиятининг устувор йўналишларидан бири. Бу жараёнда талабалар болалар билан кичик тадқиқотлар, табиат кузатувлари ҳамда митти таърибалар ўтказиш услубиётини ўзлаштиради. Натижада улар нафақат билим берувчи, балки болаларда тадқиқотчилик руҳини шакллантира оладиган замонавий педагоглар сифатида шаклланади.

Мактабга таълим тизимида амалга оширилаётган бундай янги ёндашувлар келажак авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялашга хизмат қилади. Наманган давлат педагогика институти Мактабга таълим кафедраси томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар эса таълим сифатини ошириш, илғор таърибаларни миллий педагогика билан уйғунлаштириш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

Муножат АСРАНБОВЕВА, Наманган давлат педагогика институти Мактабга таълим кафедраси мудири.

Янги Ўзбекистон — туризм чорраҳаси

Туризм — туганмас бойлик, аммо ундан оқилона ва самарали фойдаланилсагина даромад манбаига айланади. Шу маънода, Ўзбекистон ўзининг бой тарихи, маданияти ва табиати билан сайёҳлар учун жуда жозибали мамлакатдир.

Сўнгги йилларда юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, натижада Янги Ўзбекистон халқаро майдонда ўз мавқеини изчил мустақамлаб бораётир. Жорий йилнинг январь ойида давлатимиз раҳбари халқаро маданий тадбирлар натижалари, сайёҳлик соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар ҳамда йирик маданият ва туризм объектиларини барпо этишга оид тақдимот билан танишуви чоғида таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини АҚШ, Форс кўрфаси давлатлари, Хиндистон, Хитой ва Скандинавия каби устувор бозорларда илгари суришга қаратилган янги маркетинг стратегиясини амалга ошириш зарур.

Нуқтаи назар

Гап шундаки, ушбу ҳудудлардаги туристлар ўзбек маданияти ҳамда тарихига қизиқиш билдирмоқда. Шу боис ҳар бир бозор учун индивидуал маркетинг стратегиялари ишлаб чиқиши керак. Ўзбекистоннинг халқаро туристик платформалардаги иштирокини кенгайтириш, рақамли контентни ривожлантириш ҳамда йирик медиаресурсларни жалб қилиш бугуннинг энг муҳим вазифалари. Бу мамлакатимиз ҳақидаги маълумотларни тарқатиш ва сайёҳлар қизиқишини оширишда муҳим ўрин тутади.

Веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар орқали туристларга Ўзбекистон ҳақида маълумот бериш, уларни қизиқтириш ва саёҳат қилишга рағбатлантириш мумкин. Йирик медиаресурслар ва фикр етакчиларини жалб этиш Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини кенг аудиторияга етказишда айни мuddа.

Сайёҳлар оқими сезиларли даражада ўсмоқда

Шу ўринда, узок хориж — Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Америкадан келаётган туристлар оқимининг сезиларли даражада ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жаҳон сайёҳлик харитасида Ўзбекистоннинг қундан-қунга танилиб, энг саёҳатбоп йўналишлардан бирига айланиб бораётганини кўрсатади. Туристларнинг кўпайиши, табиийки, миллий иқтисодиётнинг ўсишида муҳим роль ўйнайди.

Илгари туристлар фақатгина муайян даврда келиши кузатиш бўлса, бугунга келиб соҳадаги ислохотлар ва яратилаётган шароитлар натижада "туристик мавсум" тушунчаси йўқолиб бормоқда, яъни йил давомида туристлар сони барқарор сақланиб қоляпти. Виза режими соддалаштириш ҳамда рақамлаштириш борасидаги ислохотлар тўғрисида Ўзбекистон дунёнинг энг меҳмондўст мамлакатларидан бири сифатида эътироф этила бошланди. 90 дан ортик давлатларга визасиз режим ва электрон визанинг жорий қилиниши, мамлакатга кириш-чиқиш талабларининг энгиллашави, замонавий меҳмонхона ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши сайёҳлар сонининг ишончли ўсиши учун асос яратди. Бу ўз-ўзидан кўшимча иш ўринларини талаб қилгани боис маҳаллий аҳолининг даромадли иш билан таъминланиши

даражаси ошиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Давлатимизнинг пировард мақсади ҳам шу аслида, яъни маҳаллий аҳоли учун янги иш жойларини яратиш, ёшлар ва хотин-қизларни юқори даромадли иш билан таъминлаш ҳамда бу орқали халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишдан иборат. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар 30 нафар сайёҳ мамлакат туризм соҳасида бир, унга турдош бўлган тизимда эса икки янги иш ўрни яратилишига сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, йирик маданият ва туризм объектиларини барпо этиш туристик инфратузилmani яхшилайдиган бўлади. Бу объектилар нафақат хорижий туристларни жалб қилиш, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам маънавий қадриятларни сақлашда муҳимдир.

Зиёрат туризми — истиқболли йўналиш

Дунёда туризмнинг 200 дан ортик турлари бўлиб, улар орасида зиёрат туризми энг тез ривожланаётган истиқболли йўналишлардан биридир. Мамлакатимизда илгари тарихий, маданий туризм билан чекланиб қолган бўлса, охириги тўққиз йилда сафари (чўл), этнографик, гастрономик янги йўналишлар қаторида зиёрат туризмига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани шундан. Чунки Ўзбекистон бу борада юқори салоҳиятга эга бўлиб, имкониятлардан эса тўлиқ фойдаланиш чораларини кўрмоқда.

Аёнки, Ўзбекистон дунёдаги ислом цивилизацияси бешиги сифатида маърифат ва маданият маркази бўлиб хизмат қилган. Бу заманда динимиз ривож, жаҳон илму фани тараққиётига ҳисса қўшган буюк алломалар, мутафаккир олимлар, уламолар ҳамда авлиёлар етишиб чиққан. Дунёда уларнинг му-

борақ қадамжолари зиёратига эса эҳтиёж юқори. Мисол учун, Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларнинг мақбаралари зиёратчилар учун муҳим жойлардир.

Демак, зиёрат туризми, бу — туристларнинг диний, маънавий ва маданий мақсадларда муайян жойларга, хусусан, муқаддас зиёратгоҳларга боришини назарда тутаяди. У маҳаллий иқтисодиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Туристлар меҳмонхоналарда қолишлари, ресторанларда овқатланишлари ва маҳаллий маҳсулотларни харид қилишлари натижада иқтисодий фаоллик ошади. Зиёратчилар ўз диний билимларини кенгайтириш ҳамда диний қадриятларни ўрганиш имкониятига эга бўлади. Бу эса диний бағрикенглик ва толерантликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда зиёрат туризми равнақи учун бир неча муҳим чоралар амалга оширилмоқда, йирик маданият ва туризм объектилари лойиҳалари ишга тушириляпти. Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази бугунги кунда нафақат миллий, балки халқаро аҳамиятга эга илмий-маърифий маскан сифатида намоён бўлмоқда, сайёҳларни ўзига жалб этадиган масканга айланиши кутиляпти.

Аънавий музейлардан тубдан фарқ қиладиган, "Цивилизация, шахслар, кашфиётлар" тамойили асосида тикланган ушбу марказ тарихни оддий воқеалар йиғиндиси эмас, балки узвий боғлиқ жараён сифатида намоён этади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд қилинган ва Учинчи Ренессанс пойдевори, дея таърифланаётган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази буюк алломаларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини дунё ҳамжамиятига намоён этадиган, ислом маърифатини кенг тарқатадиган ҳамда ёшларни улғур алломаларга муносиб авлод қилиб тарбиялайдиган маърифат қошонаси бўлгани боис ҳам уни қўриш иштиёқидаги сайёҳлар сон-саноксиз.

Ватанимиз дурдонаси

Қайтадан бунёд этилган Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасида ҳам зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди. Хусусан, мажмуа қошида туризм маркази очилди. Ендош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шина меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо қилинди. Жумладан, битта тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхона, 22 та 176 ўринли оилавий ме-

Илмий ёндашувларга асосланган ҳолда ушбу йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мустақам пойдеворга асосланиш билан баробар. Зеро, илмга таянган ҳар қандай иш ўз самарасини қутулганидан кўп бериши аллақачон ўз исботини топган. Туризм йўналишини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, ислохотлар, узокки қўзланган дастурлар Янги Ўзбекистонни саёҳатлар чорраҳаси, туризм марказига айлантиради, деб ишонамиз.

Шаҳноза ЭРГАШЎЖАЕВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Маркетинг кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Назарий физика институти қўйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

директорнинг илм-фан бўйича ўринбосари — 1 та; илмий котиб — 1 та; бош юриконсулт — 1 та; квант майдон назарияси илмий-тадқиқот лабораторияси — лаборатория мудири; нончиқли физика илмий-тадқиқот лабораторияси — лаборатория мудири; суботом физикаси илмий-тадқиқот лабораторияси — лаборатория мудири; сунъий интеллект, ҳисоблаш ва мълумотлар базаси илмий-тадқиқот лабораторияси — лаборатория мудири; гравитацион майдон назарияси илмий-тадқиқот лабораторияси — лаборатория мудири; квант тармоқлар ва динамик тизимлар илмий-тадқиқот лабораторияси — лаборатория мудири; бош бухгалтер — 1 та; ҳодимлар билан ишлаш бўйича мутахассис — 1 та; ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассис — 1 та.

Танловда қатнашадиган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- 1. Институт директори номига ариза;
2. Олий маълумоти тўғрисидаги дипломлар нусхалари;
3. Илмий даражаси, илмий унвони тўғрисидаги дипломлар нусхалари;
4. Илмий ишлари рўйхати (сўнгги 3 йил);
5. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (сўнгги 3 йил).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган сондан бошлаб 1 (бир) ой мuddатда қабул қилинади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, ЎЗМУнинг ҳодимлар бўлими. Тел.: 71-246-03-92.

Пойтахтимизда 4 — 6 апрель кунлари бадиий гимнастика бўйича «Ёрқин юлдузча» халқаро турнири, 7 — 13 апрелда эса бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ўтказилади.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 442. 23 403 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЎМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙЛАДИ.
Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, ЎЗМУнинг ҳодимлар бўлими. Тел.: 71-246-03-92.